

# Qishloq hayoti

2013 йил Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

[www.qishloqhayoti.uz](http://www.qishloqhayoti.uz)

2013-ЙИЛ 20-ИЮН, PAYSHANBA, 75 (8156)-сон

1974-йил 1-январдан чиқа бoshлаган  
Bahosi kelishilgan narxda.

## ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислохотларнинг бориши, бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадида 19 июнь куни Жиззах ва Сирдарё вилоятларига ташриф буюрди.

### ИСЛОХОТЛАР ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ, ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Жиззах вилоятида ҳам барқарор ўсиш суръатлари таъминланиб, улкан ютуқ ва муваффақиятлар қўлга киритилмоқда. Бунинг тасдиғини вилоят меҳнаткашлари эришаётган салмоқли натижалар мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, жорий йилнинг биринчи чорагида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиши 9,7 фоизни, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 9,3, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 5,9, қурилиш ишлари 11,6, пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми 10,7 фоизни ташкил қилди. Вилоятни 2013-2015 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган дастурга асосан 2061 лойиҳани, шу жумладан, 2013 йилда 1381 лойиҳани амалга ошириш белгиланган.

Саноат соҳасини ривожлантириш мақсадида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар самарасида 2013 йилнинг биринчи чорагида Жиззах шаҳрида “Жиззах Тоштепа текс” тўқимачилик корхонаси, оҳак ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Жиззах тоғ-кон кимё” корхонаси, Фаллаорол туманида қурилиш куми ва шағал ишлаб чиқарадиган корхона, Зафаробод туманида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган “Фаворит линес” корхонаси, Жиззах туманидаги “Жиззах чорва барака” фермер хўжалигида сутни қайта ишлаш линияси ишга туширилди.

Жиззах шаҳрида ташкил этилган “Жиззах пластекс” Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси вилоятда энгил саноатни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларга яққол мисолдир.

Давлатимиз раҳбари вилоятга сафарини мазкур корхона билан танишишдан бошлади.

Замонавий технологиялар билан жиҳозланган ушбу фабрика мамлакатимизда энгил саноатни изчил тараққий эттириш йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ишларнинг яна бир амалий натижасидир, деди Ислон Каримов. Собиқ тузум даврида пахта хомашёси минг азоб ва қийинчиликлар билан етиштирилса-да, уни юртимизда қайта ишлаш масаласига

эътибор берилмаган. Аксинча бошқа ўлкаларга ташиб кетилган. Мустақилликка эришганимиздан кейин пахтани ўзимизда қайта ишлашга алоҳида эътибор қаратдик. Агар мустақиллигимизнинг илк йилларида пахта толасининг 10-12 фоизи мамлакатимизда қайта ишланган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 30 фоиздан ошди.

Давлатимиз раҳбари энгил саноатни ривожлантириш орқали пахта толасини қайта ишлаш кўрсаткичларини мунтазам равишда кенгайтириш масаласининг аҳамиятига атофлича тўхталди. Бу қўшимча даромад топишнинг самарали манбаи, аҳолини иш билан таъминлашдек долзарб масалани ҳал қилишнинг муҳим воситаси эканини алоҳида қайд этди.

Мисол учун, бир долларлик пахта толаси қайта ишланиб, калава ипга айланганда ярим тайёр маҳсулот бўлиб, ундан 4-5 доллар, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилганда эса 10-12 доллар фойда олиш мумкин. Яна бир аҳамиятли томони – энгил саноат ишчи кучини энг кўп талаб қиладиган тармоқлардан биридир.

Ислон Каримов мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, шу жумладан, юксак сифатли пахта хомашёси етиштирилаётган Жиззах вилоятида толани қайта ишлайдиган ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган замонавий корхоналарни кўпроқ ташкил қилиш, бундай корхоналарда ҳаётга катта умидлар билан кириб келаётган ёшларимиз бандлигини таъминлаш гоят муҳим вазифа эканлигини таъкидлади.

“Жиззах пластекс” корхонасининг биринчи навбати ишга туширилиши билан йилига 12 минг тонна пахта толаси қайта ишланади, 8,5 минг тонна калава ип, 4 минг тонна трикотаж мато ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Иккинчи босқичда – 2014 йилда корхонада ишлаб чиқарилаётган ярим тайёр маҳсулотдан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Бу билан тўрт минг тонна трикотаж матони бўяш ва унга ишлов бериш, 6 миллион дона тайёр кийим-кечак маҳсулотлари тайёрлаш имконияти яратилади.

(Давоми 2-саҳифада)



## ОБОД МАНЗИЛЛАРДА ТУРМУШ ҲАМ ОБОД

ҚАРШИ ТУМАНИДАГИ МИРМИРОН ҚИШЛОҒИ  
КУНДАН-КУНГА ЧИРОЙ ОЧМОҚДА. БУ ЕРДА  
НАМУНАВИЙ ТУРАР-ЖОЙЛАРГА ЎЗГАЧА УЙҒУНЛИК  
БАХШ ЭТИБ ЗАМОНАВИЙ МАДАНИЙ-МАИШИЙ  
БИНОЛАР ҲАМ ҚАД РОСТЛАМОҚДА.

# ИСЛОҲОТЛАР ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ, ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

(Боши 1-саҳифада)

Корхона ишга тушгач бу ерда 1750 нафар киши иш билан таъминланади. Бугунги кунгача вилоятдаги касб-хунар коллежларини тамомлаган 370 нафар ёш мутахассис билан меҳнат шартномалари тузилди.

Президентимиз корхонада мураккаб дастгоҳларни созлаш ишларини бажараётган Хушнуд Аширматов, Ҳасан Худойбердиев каби ёш мутахассислар билан суҳбат асносида бугунги кунда ўзбек ёшлари ақл-заковат, иқтидор ва қобилият, интилиш ва ташаббус бобида хорижда ҳам кўпчилигининг ҳавасини тортаётганини қайд этди.

– Ўзбек ёшлари ўзининг зукколиги ва тиришқоқлиги билан мени ҳайратга солди, – деди давлатимиз раҳбари билан суҳбатда Германиянинг Шлафхорст компанияси менежери Оскар Илтнер. – Ёш монтажчи-созловчилар келтирилган замонавий технологияларни ўрнатишни қисқа вақт ичида ўзлаштириб олди.

– Мамлакатимизда ёшларнинг замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаши, ўз иқтидори ва салоҳиятини рўёбга чиқариши учун барча шароитлар яратиб берилган, – деди Хушнуд Аширматов. – Мана бу замонавий корхона ҳам ана шу эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир амалий намунасидир. Фабрикада замонавий технологияларнинг ўзлаштирилиши ҳисобига ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг юқори энергия тежамкорлиги, экологик тозаллиги ва рақобатбардошлиги таъминланади. Бундай эътиборга жавобан Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида ёниб яшаш бизнинг фарзандлик бурчимиздир.

Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан мамлакатимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар натижасида шаҳар ва қишлоқларимиз замонавий кўринишга эга бўлмоқда. Буни Самарқанд, Бухоро, Андижон, Наманган, Фарғона, Қўқон, Марғилон, Термиз, Қарши, Урганч каби кўплаб шаҳарларимизнинг бугунги жамоли ва таровати мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Жиззах ҳам ана шу шаҳарларимиз қаторидан ўзига лойиқ ва муносиб ўринни эгаллаши керак. Иқтисодий соҳада эришаётган улкан ютуқларимиз билан бирга маънавиятни юксалтиришга ҳам эътиборни янада кучайтиришимиз лозим. Шаҳарларни ҳар томонлама ривожлантириш, sanoatning турли тармоқларини тараққий эттириш орқали одам-

ларнинг ҳаёт сифатини ошириш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари билан юртдошларимизнинг кайфиятини, гурурини янада юксалтиришимиз даркор.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир шаҳарнинг бош режаси устида ишлашда узоқ истиқболни ўйлаб иш юритиш лозимлигини таъкидлади. Шаҳарда айланма ҳалқа йўлини барпо этиш, кўп тасмали магистраль йўлларни қуриш, коммуникацияларни ривожлантириш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш, замонавий бино ва иншоотларни барпо этиш юзасидан тегишли тавсия ва кўрсатмалар берди.

– Пойтахтимиз Тошкент ва бошқа шаҳарларимиз тажрибасидан келиб чиқиб, Жиззах шаҳрининг маданий марказини яратишимиз лозим, – деди Ислон Каримов. – Бундай марказ авваломбор аҳолининг мазмунли ҳордиқ чиқаришига, ҳаётдан завқ олиб яшашига хизмат қилади. Шаҳарда каштан, эман, япон сафораси каби ҳудуднинг табиий-иқлим шароитига мос манзарали дарахтлар экилган хиёбонлар ва яшил ҳудудларни барпо этиш ҳам муҳим вазифалардан. Бундай кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишлари одамларимизнинг дунёқарашини ўзгартиришда, уларнинг янги-янги марралар сари интилиб яшашида муҳим аҳамият касб этади.

Юртбошимиз Пахтакор туманидаги “Жавлонбек” фермер хўжалиги далаларида бўлиб, фермерлар ва вилоят фаоллари билан суҳбатлашди.

Шу кунларда Жиззах вилоятида ҳам галла ўрим-йғимини қизгин давом этмоқда. Вилоятда жорий йилда 110 минг гектар суғориладиган, 70 минг гектар лалми майдонда галла етиштирилди, 101 минг 800 гектар майдонда ғўза парваришланмоқда. Жиззахлик фермерлар 312 минг 460 тонна дон етиштиришни режалаштиришган.

Эркин Кенжаев раҳбарлик қилаётган “Жавлонбек” фермер хўжалиги аъзолари 95,5 гектар майдонда пахта ва галла етиштираётир.

Юртбошимиз фермер ва қишлоқ хўжалиги мутахассислари билан мулоқот чоғида галла ҳосилини қисқа фурсатларда йғиштириб олиш, июль ойининг одатдагидан иссиқ келиши мумкинлигини ҳисобга олиб, ғўзани иссиқ уришдан асраш чораларини кўриш кераклигини алоҳида таъкидлади.

Ислон Каримов фермернинг

мулкдор сифатида ўз оиласи, маҳалласи, қишлоғидаги ҳаёт тарзи янада фаровонлашиши, юртининг бундан ҳам обод бўлишидаги иштироки муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

– Ҳозирги давр фермерлари нафақат деҳқончилик сирларини пухта билиши, айна пайтда у иқтисодчи, ҳисобчи, селекционер, бизнесмен ҳам бўлиши даркор. Бошқача айтганда, бугунги ҳаёт олдимизга қўяётган янги вазифаларни яхши билиши, одамларнинг, айниқса қишлоқ аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилаш, маънавиятини юксалтириш, хусусан, ёшларимизга ҳар томонлама ғамхўрлик ва эътибор кўрсатишда фаол бўлиши зарур, – деди Президентимиз. – Бунинг учун етиштирилган маҳсулотни қайта ишлашни ҳам йўлга қўйиш, жойларда кичик корхоналар ташкил этиш керак.

Мамлакатимиз раҳбари “Жиззах” махсус индустриал зонасини барпо этиш юзасидан қабул қилинган фармон ва мазкур хужжат ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар халқимиз фаровонлигини янада оширишга қаратилганини, хорижий сармоядорлар билан амалга оширилаётган кўплаб лойиҳалар иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини юксалтиришда янги имкониятлар яратишини қайд этди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Жиззах туманидаги “Кўёсевар Парда” фермер хўжалиги раҳбари Парда Зиётов, вилоят фермерлар кенгаши раиси Анорбой Эшматов, “Жиззах овози” газетаси бош муҳаррири Акрам Иномов, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши раиси Азамат Дархонов ва бошқалар фермерлик ҳаракати ташкилий, техник ва молиявий жиҳатдан изчил такомиллашиб бораётгани, фермерларнинг даромади йилдан-йилга ортиб, бундай юксалишларнинг барчаси Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришларнинг самараси эканини таъкидлади. Мамлакатимиз тараққиёти, юртимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш, Ватанимиз обрў-эътиборини ҳар томонлама юксалтиришдек ишларга раҳнамолик қилаётган Юртбошимизга миннатдорлик изҳор этдилар.

Президентимиз Ислон Каримов шу кунни Сирдарё вилоятига келди.

Халқимиз эришаётган белимсол ютуқларда Сирдарё ви-

лоят меҳнат аҳолининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор.

Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, барпо этилаётган кўркам уй-жойлар, таълим ва тиббиёт муассасалари, замонавий корхоналар, кенг ва равон йўллар, боғу хиёбонлар вилоят қиёфасини бутунлай ўзгартириб, аҳоли фаровонлигининг, онги ва тафаккурининг юксалишига хизмат қилмоқда.

Вилоятда жорий йилнинг биринчи чорагида ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиши 9,5 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, пуллик хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқларда ҳам барқарор ўсиш таъминланди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг изчил ривожланиши натижасида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотига кичик бизнес субъектларининг улуши 53,5 фоизни ташкил этди. Қулай ишбилармонлик муҳити яратилгани, тадбиркорларга кўплаб имтиёз ва преференциялар берилаётгани самарасида жорий йилнинг биринчи чорагида 181 кичик бизнес субъекти, жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган 57 янги корхона ташкил этилди.

Бу йил вилоятда қарийб 90 минг гектар майдонда бошоқли дон экинлари етиштирилди.

Ислон Каримов Оқолтин туманидаги “Авазбек Умаров” фермер хўжалиги даласида бўлиб, фермерлар билан суҳбатлашди.

Галлачилик ва пахтачиликда муҳим бўлган кунларда деҳқонларимизга ҳорманг, дейиш, уларга куч-қувват тилаш менга катта мамнуният бағишлайди, деди давлатимиз раҳбари. Сиз каби инсонларнинг фидойилиги билан мамлакатимиз улкан ютуқларга эришмоқда.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган бир шароитда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръати 8,2 фоизни ташкил этмоқда. Бундай барқарор ривожланишнинг асосий омил мустақилликнинг биринчи кунларидан “Ислохот – ислохот учун эмас, аввало инсон учун” деган қоида асос қилиб олганимиз, юртимизнинг юксак иқтисодий-ижтимоий салоҳиятидан оқилона фойдаланаётганимиз, ўзимиз белгилаб олган тараққиёт йўли – ўзбек моделини тадрижий амалга ошираётганимиздир.

Халқимиз ўтган даврда турли синов ва қийинчиликларни

матонат билан енгиб ўтди. Мустақилликка эришиш арафасида ва истиқлолнинг дастлабки йилларида Президентимиз ташаббуси билан аҳолига томорқа учун ерлар ажратилгани, Ўзбекистон бўйича 700 минг гектар суғориладиган ер томорқа сифатида берилгани қишлоқларимиздаги кўплаб ижтимоий муаммоларни ечиш, аҳоли фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Бугун халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқарашини тамомлаётган ўзгарган. Одамларнинг, айниқса, ёшларимизнинг ҳаётга, меҳнатга муносабати, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти юксалиб бормоқда, деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда фермерлик ҳаракатининг аҳамияти катта эканини алоҳида таъкидлади. Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига мувофиқ фермерлар кенгашилари ташкил этилгани соҳа самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Ҳаммамизга маълумки, совет тузуми даврида хусусий мулк бўлмаган. Биз собиқ совет тузумининг асоратларидан фермерларга ер ажратиб, уларда мулкдорлик ҳиссини шакллантириш орқали халос бўла бошладик. Бугун фермерлар – мамлакатимизнинг устунига айланди. Устун эса таянч демакдир, деди Юртбошимиз. Лекин фақат деҳқончилик ва чорвачилик билан фаровонликка эришиб бўлмайди. Фермерларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, кўп тармоқли фермер хўжалиқларини ривожлантириш лозим. Чунки фермерлик ҳаракати иқтисодиётимизни ривожлантиришга, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини оширишга хизмат қиладиган қудратли кучдир.

Президентимиз Ислон Каримовнинг Жиззах ва Сирдарё вилоятларига сафари давомидаги учрашув ва мулоқотлар мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар юксак самаралар бераётганини ва Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қиладиганини яққол кўрсатди.

**О. ТУРАҚУЛОВ,  
А. САМАДОВ,  
Т. БЕКНАЗАРОВ,  
А. МУСТАФОҚУЛОВ,  
ЎЗА махсус мухбирлари.**

Бухоро Вилояти

## МИНГ ДАРДГА ДАВО НЕЪМАТ

Бухоро вилояти Вобкент туманидаги «Теракли» маҳалласида асал етиштириш билан шуғулланадиган тадбиркор хонадонлар кўп. Турсунпўлат Олимов оиласи улардан бири.

Т.Олимов туман тиббиёт бирлашмасида шифокор бўлиб ишлайди. У ишдан бўш вақтида фарзандлари кўмагида 65 қути боларини парваришлamoқда. 2012 йилда мазкур хонадон вакиллари бир ярим тонна маҳсулот олишга эришди. Жорий йилда эса йиғилажак асал миқдорини янада ошириш мўлжалланмоқда. Бунинг учун оила аъзолари зарур чора-тадбирларни ҳамжихатликда амалга ошираётир.

**СУРАТДА:** Турсунпўлат Олимов рафиқаси Супия опа билан.

**Тоҳир ИСТАТОВ (ЎЗА) олган сурат.**



Қашқарё Вилояти

# ОБОД МАНЗИЛЛАРДА ТУРМУШ ҲАМ ОБОД

ҚАРШИ ТУМАНИДАГИ МИРМИРОН ҚИШЛОФИ КУНДАН-КУНГА ЧИРОЙ ОЧМОҚДА.  
БУ ЕРДА НАМУНАВИЙ ТУРАР-ЖОЙЛАРГА ЎЗГАЧА УЙФУНЛИК БАХШ ЭТИБ  
ЗАМОНАВИЙ МАДАНИЙ-МАИШИЙ БИНОЛАР ҲАМ ҚАД РОСТЛАМОҚДА.

Обод турмуш йили мирмиронликлар учун ҳам катта имкониятлар эшигини очди. Вилоят маркази билан Қарши тумани туташган ҳудудда ўтган ойлар ичида кенг кўламдаги қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди, 290 та уй-жой бунёд этилди. Умумтаълим мактаби, қишлоқ врачлик пункти, дўконлар, маиший хизмат уйлари, тикувчилик, зардўзлик цехлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. “Интернет кафе” фаолияти йўлга қўйилди. 5760 метр узунликдаги сув лотоклари ўрнатилди. 3100 метр масофага асфальт ётқизилди. 60 минг дона гул, 3 минг дона манзарали дарахт кўчати ўтказилди. Спорт мажмуаси қад ростлаб, баскетбол, волейбол майдончалари барпо этилди. Барча қулайликларга эга сунъий қопламали футбол майдони ишга туширилди.

– Биз бу ғамхўрликлардан гоёта мамнунмиз, – дейди янги хонадон соҳиби Дехқон Ибрагимов. – “Шўртаннефтгаз” унитар шуъба корхонасида муҳандис бўлиб ишлайман. Оиламиз билан келишган ҳолда намунавий лойиҳадаги уй-жойлардан бирини харид қилдик. Турмуш ўртоғим, тўрт нафар фарзандим билан 5 хонали уйда яшаймиз. Қурилиш ишлари сифатли амалга оширилган. Фаровон ҳаёт кечиримиз учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Табиий газ, электр энергияси, ичимлик сувида муаммолар йўқ.

Бу ерда вилоят ҳокимлиги ва “Ўздонмаҳсулот” компанияси ташаббуси билан қисқа муддатда замонавий нон цехи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, “Косондонмаҳсулотлари” масъулияти чекланган жамияти томонидан ҳам қарийб 400 миллион сўмлик маблағ эвазига худди шундай цех биноси барпо этилиб, Германиядан замонавий жиҳозлар келтириб ўрнатилди. Бунинг учун 350 миллион сўм сарфланди. Бир кеча-кундузда 3 тонна нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган мазкур цехда айни пайтда 50 хил маҳсулот тайёрланяпти. Икки наватда 24 нафар ёшлар меҳнат қилишяпти.



– Биз Мирмирон сервис ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежини тамомлаш арафасида ишли бўлганлигимиздан хурсандимиз, – дейди Феруза Шомиева. – Дугоналарим Шохиста Шамсиева, Сарвиғул Аҳатова, Наргиза Насимова, Мухлиса Шодмонова, Зулфизар Шерова, Шаҳноза Отамуродова, Дилдора Аллаевалар билан замонавий нон цехига ишга келдик. Соҳа сирларини қисқа муддатда ўзлаштириб олдик. Бу борада Дилдора Назарова, Гулбахор Ўзбековалар бизга устозлик қилишди. Айниқса, коллежимиз битирувчилари Шаҳноза Нарзуллаева, Маҳбула Сулаймоновалар замонавий компьютерларни бошқаришнинг ўзига хос жиҳатларини мукам-

мал эгаллаб олдилар.

Қишлоқ қиёфасининг янги манзара касб этишида “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси Қарши шаҳар бўлими жамоасининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлашимиз лозим. Чунки улар томонидан кўчалар, бозорлар, дўконлар, турли ташкилот ва муассасалар, маданий-маиший биноларида истиқлол йилларида қўлга киритилган муваффақиятларимизни ўзида акс эттирувчи тасвирлар ўта маҳорат билан жойлаштирилганки, буни кўриб, кўзингиз қувнайди.

**Хусан ТЕМИРОВ,**  
“Qishloq hayoti” мухбири.  
Муродулла КОМИЛОВ олган суратлар.

Ангужон Вилояти

**Мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама пухта билим олиши, замонавий фан-техника сирларини ўзлаштириши учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Бу жараёнда ота-оналар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этмоқда.**

## ТАЪЛИМ – ҲАЁТ БИТИГИ, ТАРБИЯ УНИНГ КЎЗГУСИДИР

Буни Хўжаобод туманидаги Бобур номли маҳалла фуқаролар йиғини билан тумандаги 40-дават ихтисослаштирилган мактаб-интернати ҳамкорлигида ҳам кўриш мумкин.

– Маҳалламизда вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарлик кузатилгани йўқ, – дейди Бобур номли маҳалла фуқаролар йиғини диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Дилбархон Раҳмонова. – Ҳамкорлик доирасида тўртта таълим муассасаси билан иш олиб бормоқдамиз. Улар билан биргаликда «Ёшларни ёт гоёлар таъсиридан сақлашда оила ва таълим муассасасининг ўрни», «Уч авлод учрашуви», «Бахтли келажак сизларники, болалар», сингари тадбирлар ўтказилмоқда.

– Шундай тадбирларда маҳалла фаоллари билан ҳамкорликни кенгайтириш, таълим ва тарбияда маҳалланинг ролини кучайтириш бўйича таклифлар билдирилиб, уларнинг мақбуллари амалиётга киритилмоқда, – дейди мактаб-интернат рўшунноси Гулшаной Зоитова. – Бу йил 9-синф битирувчилари учун «Касбим – фахрим», «Мен севган касб», «Келажакда мен эгалламоқчи бўлган касб» мавзuidaги бир қатор учрашувлар ташкил қилинди. Ушбу тадбирлар давомида ўқувчилар мавжуд касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицейлар фаолияти ҳақида тўлиқ маълумот олдилар, ўзлари қизиққан соҳа бўйича таълимнинг кейинги босқичини давом эттириш учун ўқув муассасаларини танладилар. Бу каби тадбирларда ота-оналар, ўқувчилар билан бир қаторда маҳалла фаоллари ҳам иштирок этдилар.

**Малоҳат САПИЕВА,**  
Хўжаобод туманидаги 40-дават ихтисослаштирилган мактаб-интернати директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари.

Тошкент Вилояти

# ҲУНАРМАНДЧИЛИК АНЪАНАЛАРИ БАРДАВОМ

**Халқимизнинг кўп асрлик тарихи давомида бадий ҳунармандчилик ва амалий санъат турлари кенг тарқалиб, бу борада бой тажриба ва ўзига хос анъаналар шаклланди. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида мазкур соҳаларни қайта тиклаш ҳамда ривожлантиришга катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилиб, ҳунарманд ва усталар ҳар томонлама мунтазам рағбатлантириб келинмоқда.**

Бундай эзгу саъй-ҳаракатлар натижа-сида ҳунарманд ва усталаримиз ажодларимизнинг бой меросини келгуси авлодларга етказиш, халқимиз амалий санъатини халқаро миқёсда кенг намойиш этиш йўлида самарали фаолият олиб бормоқдалар. Улар томонидан яратилаётган бектор санъат асарлари халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти нақадар юксак эканлигини яққол далolat бермоқда.


Тошкент вилоятининг Паркент туманида яшовчи бешиксоз Меҳриддин Камоллиддинов ана шундай қўли гул усталардан биридир. Бешикчилик Меҳриддин акага бобомерос ҳунар. Устанинг отаси ҳам, бобоси ҳам бешикчи бўлган.

– Ёшлигимда бобом ва отамнинг ишини кузатиб, уларга дастёрлик қилиб, улгайдим. Шунданми ёки қон тортидим, улар каби уста бўлишни орзу қилганман, – дейди М.Камоллиддинов. – Болалик орзуим рўёбга чиқиб, боболарим ҳунарини давом эттираётганимдан бахтиёрман. Инсон учун дунё бешиқдан бошланади. Бешик халқимиз ҳаётида алоҳида ўринга эга бўлиб, бу борада гўзал урф-одат ва анъаналаримизга кўпчилик халқлар ҳавас билан қарайди. Бешик одатда тут ёки толдан ясалади. Тут ёғочини топиш қийинроқ, устига устак, унга ишлов бериш мураккаброқ бўлгани сабабли мен кўпинча толдан фойдаланаман.

Ёғоч бешик ҳолига келгунча машаққатли меҳнат ва юксак маҳоратни талаб қилади. Бешикнинг йўрға, ёндор, кўприк, эмоч, даста, қўғирчоқ, оёқ, ёпқич, сих каби мураккаб қисмлари олдин алоҳида-алоҳида ясалиб, кейин яхлит бешик ҳолига келтирилади. Масалан, бешикнинг бош ва оёқ томонидаги ёйсимон тахта-эмочни эгиш осон бўлиши учун у чуқур тоғорага солинган сувда камида икки соат қайнатилади.

Бешикка бўёқ бериш ҳам юксак дид ва эътиборни талаб қилади.

– Биласиз, бешик сербўёқ бўлади, – дейди М.Камоллиддинов. – Камалак етти хил рангда жилолангани боис, бешик дастасида ҳам етти хил бўёқ ишлатиш урф бўлган. Гўдак юқорига – бешик дастасига қараб ётар экан, ранглари ажратишни ўрганиб боради. Яна бир томони, даста ўйинчоқлар илиш учун жуда қулай. Усталар дастани гўдакнинг боши устига тўғри келувчи қисмида иккита шиқилдоқ осилади. Шиқилдоқни чақалоқ айланттириб, ўйнайди. Бешикнинг бежирим шаклда бўлиши ҳам аҳамиятлидир. Чунки ҳар гал чақалоқ туғилганда, бешик олинавермайди. Битта яхши бешик ўн болани катта қилади. Мен бир кунда иккита бешик ясай оламан. Буни катта даромад олиш мақсадида эмас, балки бобомерос ҳунаримни такомиллаштириш, шогирдларимга бе-



шикчиликнинг ўзига хос нозик қирралари, сир-асрорини ўргатиш учун амалга ошираман.

Меҳриддин аканинг йигирмага яқин шогирди бор. Уларнинг кўпчилиги аллақачон устози каби бешиксоз бўлиб етишган. М.Камоллиддинов ҳозирги кунда ҳам ёшларимиз орасидан усталар тарбиялашдек хайрли ишни давом эттирмоқда.

– Ёшим йигирмага, маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежини битирганман, – дейди устанинг шогирдларидан бири Элёр Маҳқамов. – Бугунги кунда сартарош бўлиб ишлайман. Лекин йигит кишига қирқ ҳунар ҳам оз, деганларидек устозимдан бешиксозликнинг сир-асрорини ўрганаётман. Аввалига менга бешик ясаш осондек туюлганди. Лекин бундай эмас экан. Устозим билан ёнма-ён туриб ишлаганим сайин бу ҳунарни эгаллаш учун фақат қизиқишнинг ўзи кифоя қилмаслигини тушундим. Бешикчи бўлиш учун заковат ва сабр-тоқат ҳам керак экан.

**Сайидодил САЙИДИСЛОМОВ,**  
“Qishloq hayoti” мухбири.

Сурхонгарё Вилояти


▼ БУРЧ ВА МАЖБУРИЯТ

Қашқарё Вилояти

# Бахтли турмуш — порлоқ келажак асоси

**Мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунларидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жисмонан соғлом, маънавий етуқ авлодни вояга етказиш масаласига давлат сиёсати даражасида юксак эътибор қаратиб келинмоқда. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 2013 йилнинг Обод турмуш йили, деб эълон қилиниши ва шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастури бу борадаги ишларни изчил давом эттиришда муҳим дастуриламал бўлаётир. Бу борада Сурхондарё вилояти Шеробод туманида ҳам изчил ишлар амалга оширилмоқда.**

– Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг жамиятдаги роли ва мавқеини мустаҳкамлаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, интеллектуал салоҳиятини янада юксалтириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ўзининг юксак самараларини бермоқда, – дейди Шеробод тумани ҳокими Рўзимурод Авазов. – Барча соҳаларда хотин-қизларнинг фаоллиги ошиб, тиббий маданияти юксалаётгани натижасида оналар ва болалар ўлими кескин камаймоқда. Фертил ёшидаги хотин-қизлар ва болалар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилиб, саломатлиги мустаҳкамланаётир. Ёшлар, айниқса, ўсмир қизлар мустақил ҳаётга тайёрланиб, муқаддас оила кўрғони олдидаги ўз масъулиятини янада чуқурроқ ҳис қилишига эришилмоқда. Эрта турмушга чиқиш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари аҳолига атрофлича тушунтирилмоқда. Бу йўналишдаги ишлар сифати ва самарадорлигини таъминлаш учун тиббиёт, таълим муассасалари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолларининг ўзаро ҳамкорлиги йўлга қўйилган. Натижада жорий йилнинг ўтган даврида коллежда таҳсил олаётган ўнга яқин қизнинг никоҳ тўйлари муайян муддатга кечиктирилди.



Туман тиббиёт бирлашмасидан олинган маълумотларга кўра, “Обод турмуш йили” Давлат дастури доирасида туман тиббиёт бирлашмаси тубдан реконструкция қилиниб, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида ҳудудда истиқомат қилаётган 44 минг 309 нафар фертил ёшидаги хотин-қизнинг 34 минг 845 нафари тиббий кўриқдан ўтказилди. Камқон аёллар ва қизлар тиббий препаратлар, дармондорилар билан таъминланаётир.

Никоҳланувчи ёшларни тиббий кўриқдан ўтказиш ҳам доимий эътиборда. Ўтган беш ой давомида туманда 791 нафар йигит-қиз тиббий кўриқдан ўтказилди. Ёш оила қурувчилар учун “Оила дорилфунуни” машғулоти ташкил этилаётир.

Тумандаги 68 та умумтаълим мактаби ва 9 та коллеж қошида қизларни оилавий турмушга тайёрлаш, уларнинг иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий-маънавий билимини юксалтириш, касб-ҳунарга йўналтириш бўйича ташкил этилган “Ораста қизлар” тўғарақлари фаол иш олиб бормоқда. Уларда психология, тиббиёт, хотин-қизлар кўмитаси ва бошқа соҳа вакиллариининг жамоатчилик асосида олиб бораётган машғулоти ўқувчи-қизларни мустақил ҳаётга тайёрлашга қўллашмоқда. “Маҳалла-мактаб-оила” ҳамкорлиги ўрнатилгани ҳам вояга етмаганлар ўртасидаги

туғуруқ ва эрта никоҳнинг олдини олишга хизмат қилмоқда. Лекин бундай кенг қамровли ишларни барча маҳалла ва таълим муассасаларида ҳам изчил ва самарали ташкил этилган, деб бўлмайди. Бунга туманда вояга етмаганлар ўртасида туғуруқ ҳолатининг кузатилгани мисолдир. Маҳалла фаоллари, мактаб ўқитувчилари ва ота-оналарнинг лоқайдлиги, эътиборсизлиги туфайли содир этилган бу ҳолат камолотга етмаган қизнинг саломатлиги ва руҳиятига салбий таъсир этмасдан қолмаслиги аниқ.

– Касб-ҳунар коллежи битирувчилари бандлигини таъминлаш, 9-синфини тугатаётган ўқувчиларни таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олиш, уларнинг қандай иш билан шуғулланаётганини қайд этиб бориш мақсадида махсус дафтар очдик, – дейди “Истикбол” фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Хожар Назарова. – Бу йил маҳалламиздаги умумтаълим мактабининг 9-синфини 44 нафар ўқувчи тамомлади. Касб-ҳунар коллежини тугаллаётган йигит-қизларнинг ҳам рўйхатини шакллантирдик. Янги усулдаги бу тартиб ёшлар билан мунтазам ишлашда яхши самара бермоқда.

**Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,**  
ЎЗА мухбири.

**Ўзбекистон Бадий академияси, Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси, Республика Маънавият тарғибот марказининг Шаҳрисабз тумани бўлими ҳамкорлигида “Обод турмуш йили” Давлат дастури доирасида фотоқўргазма ташкил этилди.**

○ Фотоқўргазма

## СУРАТЛАРДА ЮРТ МАДҲИ

Туман маданият саройида ташкил этилган ушбу кўргазмада Нодир Норматовнинг “Кўнгил кенгликларида”, Султонбой Деҳқоновнинг “Дўст билан обод уйинг” ва Шерниёз Қаюмовнинг “Шаҳрисабз жилolari” номидаги фотоколлекциялари намоиш қилинди.

Нодир Норматовнинг 50 дан зиёд фотосуратларида мустақиллик даври яратувчанлиги, турли миллат вакиллари ўртасидаги тотувлик, миллатларо ҳамжихатлик, замондошларимизнинг орзу-ўйлари, турли маросимлар ва тантаналар акс этган.

Султонбой Деҳқоновнинг суратларида эса самимий ва лирик кайфиятга эга инсонлар тасвирланган. Унинг “Юртим фаҳри”, “Дийдор”, “Хотира”, “Асрлар садоси” фотосуратларида муҳрланган ёрқин лаҳзалар ҳар қандай томошабинда катта таассурот уйғотади. Кўргазмада муаллифнинг Обод турмуш йилига бағишланган одам ва обод юртимизни мадҳ этувчи 60 дан зиёд ранг-баранг фотосуратлари тақдим этилди.

Шерниёз Қаюмов олган суратларда Шаҳрисабзнинг тарихий обидалари, чекка қишлоқлардаги самимий, дилқас инсонлар сиймоси ва уларнинг урф-одатлари тасвирланган.

**Хусан ТЕМИРОВ**

## ТАКОМИЛЛАШГАН БОШҚАРУВ – КОРХОНА МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИ ОМИЛИ

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири – бу ҳўжалик субъектларида бошқарув тизимини такомиллаштириш ҳисобланади. Бу борада корхоналар фаолияти ва молиявий ҳолатини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки бу таҳлил жараёни бошқарув тизими самарадорлигини оширишнинг муҳим шарт ҳисобланади.**

Иқтисодийетни модернизациялаш шароитида бозор механизмларига тезроқ мослашадиган янги бошқарув тизимларини жорий этиш билан бирга иқтисодий тармоқларини барқарор ривожлантириш республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг муҳим йўналишларидандир. Шунингдек, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган ҳозирги даврда маҳсулот таннархини пасайтириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда тежамкор технологиялар асосида рақобатбардош, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, технологик қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Молиявий барқарорлик таҳлили орқали маълум давр мобайнида корxonанин молиявий фаолияти қандай бошқарилганлиги равшанлашади. Таъкидлаш жоизки, молиявий ресурслар ҳола-

ти, аввало, бозор ва корхона ривожланиши талабларига мос келиши керак. Молиявий барқарорлик талаб даражасидан паст бўлса, ўз-ўзидан корxonанин тўлов қобилияти ҳам паст бўлади. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун маблағ етишмовчилиги келиб чиқади. Молиявий ресурсларнинг ортиқчалиги ҳам ишлаб чиқаришни ривожлантиришга халақит қилади, ишлаб чиқариш захираларининг меъёридан ортиб кетишига сабаб бўлади. Демак, молиявий ресурсларнинг самарали шаклланиши, тақсимланиши ва улардан унумли фойдаланиш иқтисодий барқарорлик моҳиятини ифодалайди.

Корxonанин айланма маблағлари қандай манбалар ҳисобига шаклланилигини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда корxonанин молиявий мустақиллиги, барқарорлиги, кредит олишга лаёқатлиги аниқланади.

Ҳўжалик субъектларида ҳам самара-

ли бошқарув тизимини ташкил этишда, аввало, молиявий барқарорликни таъминлашга эътибор қаратиш лозим. Одатда молиявий барқарорлик ички манбалар ва узоқ муддатли қарз манбалари етарли бўлган ҳолатда шаклланади.

Корхона молиявий барқарорлигига ишлаб чиқариш фаолиятининг барча йўналишлари, ҳам ички, ҳам ташқи омиллар, шарт-шароитлар таъсир этади. Корхонада ишлаб чиқаришнинг барқарорлиги, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, ишлаб чиқаришни бошқариш, устав жамғармасининг ҳолати, харажатлар ва даромадлар нисбати, маблағлар манбалари ва корхона мажбуриятларининг нисбати, айланма маблағлар таркиби — буларнинг барчаси ички омиллар ҳисобланади.

Фаолият давомида бошқа ҳўжалик субъектлари билан ҳам иқтисодий алоқалар ўрнатади. Бунда корхона молиявий барқарорлигига ташқи омиллар ҳам таъсир этади. Ташқи омиллар сифатида корxonанин товарлар бозоридagi мавқеи, экспорт ва импорт имкониятлари, бошқа корxonалар билан фаол ҳамкорлик алоқалари, республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар асосида иш олиб боришни келтиришимиз мумкин.

Корхона барқарорлигининг ҳам турлари мавжуд бўлиб, улар ички, ташқи, техник-иқтисодий, молиявий барқарорлик ҳамда барқарорлик захирасидир. Буларнинг барчаси бир бўлганда умумий барқарорлик юзага келади.

Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда мавжуд манбалардан оқилона фойдаланиш ва уларни самарали бошқариш муҳим ҳисобланади. Айниқса, корхона активлари ва пасивларини оқилона бошқариш орқали корхона мулкни ўз маблағлари билан етарли даражада таъминлаш мумкин.

Корxonанин молиявий барқарорлигини оширишда, энг аввало, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини тўғри ва оқилона юритиш, яъни муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларга йўл қўймаслик, дебиторлик қарзларини самарали бошқариш орқали пул тушумини ошириш ва бу орқали тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш ҳамда кредиторлик мажбуриятларини қоплаш амалга оширилади. Бундай натижаларга эса бошқарувни такомиллаштириш орқалигина эришиш мумкин.

**Низомиддин ХУДОЙБЕРДИЕВ,**  
**Олий бизнес мактаби тингловчиси.**

# ПРИГЛАШЕНИЕ № 2014 -2 ДЛЯ УЧАСТИЯ В КОНКУРСНЫХ ТОРГАХ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ПРОГРАММЫ СТРОИТЕЛЬСТВА ЖИЛЬЯ ДЛЯ КОМПЛЕКСНОГО РАЗВИТИЯ СЕЛА.

Выпущено: 20 июня 2013 г.

Срок подачи тендерных предложений: до 12:00 полудня, 11 июля 2013 г.

1. Для Республики Узбекистан предоставлен мультитраншевый механизм финансирования и заем на финансовое посредничество за счет обычных капитальных средств Азиатского Банка Развития (АБР) на финансирование расходов по «Программе строительства жилья для комплексного развития села» (ПСЖКРС). Средства, упомянутого выше, Займа будут использованы утвержденными покупателями жилых домов в сельской местности на покрытие платежей по заключенным контрактам для выше указанных лотов. Положения и условия контракта и платежи по данным контрактам должны, следовательно, соответствовать всем положениям и условиям Соглашения о займе с Азиатским Банком Развития, включая Руководство по закупкам. Конкурсные торги открыты для участников торгов из стран, удовлетворяющих квалификационным условиям АБР.

2. Для участия в конкурсных торгах принимаются запечатанные пакеты по нижеуказанным лотам от правомочных оферентов тендера. Только правомочные участники тендера, зарегистрированные в государственных органах и отвечающие ключевым требованиям оценки и критериям квалификации в соответствии с Разделом 3 тендерной документации могут быть допущены к тендерным торгам. Участники торгов должны ознакомиться с тендерной документацией для принятия решения об участии в тендерных торгах.

**Бухарский филиал**  
Адрес: г. Бухара, Проспект. Навои 5.  
Телефон: (8 365) 223-96-29  
Факс: (8 365) 223-97-51

3. Для получения дальнейшей информации и ознакомления с тендерной документацией, участникам торгов следует связаться с организаторами конкурсных торгов - с соответствующим Территориальным консалтинговым центром по ценообразованию и конкурсным торгам:

4. В целях приобретения тендерных документов на русском языке, правомочные участники торгов должны направить письмо организаторам конкурсных торгов на вышеуказанный адрес и приложить платежку из банка о невозмещаемой оплате в сумме 65 000 узбекских сумов. Языком торгов является русский язык и все контракты будут заключены на русском языке. Все разделы тендерной документации кроме Раздела 6, будут доступны также на узбекском языке, только для ознакомления.

